



THE IMPORTANCE OF CLUSTER TRENDS IN PREPARING CHILDREN WITH DISABILITIES FOR INCLUSIVE EDUCATION

Kadyrova Feruzakhon Usmanovna
ChDPI Department of Defectology, Ph.D.

Matupaeva Shohsanam Zaripboy kyzzy

Senior Lecturer

Annotation

This article reveals the legal and regulatory framework of the socio-political task, as well as providing quality education for all children in our country.

Keywords: education, upbringing, inclusive education, standard, concept.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 23 ноябрда қабул қилинган “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунида “жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган бола” ва “ногирон бола” тушунчаларига таъриф берилган. Хужжатда: “Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган бола – ногиронликни белгилаш учун етарли бўлмаган жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) руҳий нуқсонлари бўлган бола”; “Ногирон бола – жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) руҳий нуқсонлари бўлганлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдамга, ҳимояга муҳтож ҳамда қонунда белгиланган тартибда ногирон деб топилган бола” -каби изоҳлар келтирилган. Қонунга мувофиқ ногирон болаларнинг тиббий-ижтимоий ёрдам ва билим олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатланган бўлиб, тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг тавсияси асосида ҳамда ота-оналар хоҳиш-истагига кўра умумтаълим ёки ихтисослаштирилган таълим муассасаси турини танлаш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 1 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5270-сонли фармонида Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ишларнинг самарали ечимлари назарда тутилган.

Юртбошимизнинг 2019 йил 29 апрелдаги “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли фармонида таълим-тарбия жараёнига **индивидуаллаштириш** тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш, ўқитиши методикаларини такомиллаштириш, имконияти чекланган болаларга таълим хизматлари сифатини яхшилаш ҳамда мазкур тоифа ҳар бир боланинг инклузив таълим олишига бўлган ҳукуқини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш каби вазифалар белгилаб берилди.

Концепцияда белгиланган вазифалар қаторда таълим муассасаларида таълим сифати ва математика фанини ўқитиши билан боғлиқ қуйидагилар кўзда тутилган: “Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб, **PISA (The Programme for International Student Assessment)** Халқаро миқёсда ўқувчиларни баҳолаш дастури рейтинги бўйича жаҳоннинг биринчи зо та илгор мамлакати қаторига киришига эришиш; узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш; ўқитиши методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш; халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва



инновацион лойиҳаларни жорий этиш". Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июля қабул қилинган "Математика таълими ва фанларини янада ривожлантириши давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг В.И. Романовский номидаги математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4387 –сонли Қарорида математика таълими ва фанларини янада ривожлантириш, фундаментал, қидирув ва амалий илмий тадқиқотлар олиб бориш, олий таълимдан кейинги таълим институтларининг фаолияти ва илмий кадрлар тайёрлаш самарадорлигини таъминлаш, илм-фан, иқтисодиёт тармоқлари ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини мустаҳкамлаш, жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва университетлари билан халқаро илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш мақсади белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 13 октябрдаги "Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4860-сонли қарори мамлакатимиз таълим тизимида жаҳон стандартлари асосида ислоҳатларнинг мақсадли ҳамда манзилли олиб борилишини долзарб масала сифатида кўндаланг кўйди. Мазкур хужжат асосида ногиронлиги бўлган шахсларнинг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва реабилитациясини, таълим-тарбиясини такомиллаштириш, инклузив таълимни кенгайтириш, ахборотли муҳитни яратишга қаратилган вазифаларни амалга ошириш белгилаб берилган.

Санаб ўтилган ҳар бир хужжат юртимизда барча болага сифатли таълимни таъминлаш каби ижтимоий-сиёсий вазифанинг ҳуқуқий-меъёрий асосини ташкил этади. Бутун педагогика тарихи далолат берганидек, унинг илғор намоёндалари ҳамма вақт жамиятнинг ижтимоий-тарихий шарт-шароитларига мувофиқ инсоннинг ҳар томонлама уйғун ривожланишини таъминлайдиган таълим тамоиллари, шарт-шароитлари, омиллари, методлари, ташкилий шаклларини белгилашга қаратилган тадқиқотлар олиб борганлар.

Шу ўринда "Таълим" тушунчасининг икки жиҳатини келтириш жоиздир: бир томондан бу ижтимоий тажрибани ўсиб келаётган авлодга бериш жараёни, яъни таълим бериш жараёни бўлса, бошқа томондан бу инсоннинг ижтимоий тажрибани эгаллаши, яъни таълимга ёндош тарбия жараёнидир. Таълимга берилган бундай талқин заминида унинг мазмунини жамият тараққиётининг омилларидан бири сифатида тушуниш ётади. Таълим жараёни соғлом бола каби ривожланишида муаммолари бўлган болага ҳам унинг ёши, имкониятлари учун хос бўлган етакчи фаолият турларида ўзини-ўзи намоён қилиш имкониятини яратишга мажбур. Бу имконият икки томонлама жараён сифатида белгиланади: бир томондан, бу жараён фанлардан билимлар, малакалар, ақлий фаолият кўнилмаларининг берилиши-деб тушунилса, иккинчи томондан, уларнинг таълим-тарбия жараёнининг субъектлари томонидан ижобий эмоционал қабул қилиниши ва онгли ўзлаштирилиши деб тушунилади. Ўқув материалини эмоционал қулай муҳитда ўзлаштирилиши қатор омилларга боғлиқдир:

1. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ва жамоасининг алоҳида эҳтиёжли болага нисбатан толерантлик муносабати.
2. Ота-оналар ёки алоҳида эҳтиёжли бола яқинларининг инклузив таълимдаги бевосита мақсадли иштироки.
3. Инклузив синф ўқитувчисининг тор доирадаги мутахассислар (логопед, дефектолог, психолог, педиатр, невропатолог, психиатр, реабилитатор...) билан узвий ҳамкорликда ишлаши.



4. Инклузив мактаб раҳбари, фан ўқитувчилари, психолог, етакчи ва бошқа ходимларнинг инклузив таълим ҳақида маълумотларга эга бўлиши.
5. Алоҳида эҳтиёжли болага синфда ўзини қулай хис қилиш имконини берувчи соғлом ва барқарор психологик муҳит.

Санаб ўтилган омиллар асосида инклузив таълим муҳитини яратишнинг ўзига хос томонларини унутмаслик лозим.

Улар:

- болалар учун барча фанлардан ўқув материалларини тақдим этишнинг оптималь визуализациясига устуворлик беришга эҳтиёжнинг катталиги;
- алоҳида эҳтиёжли болаларнинг фанлардан ўзлаштириш имкониятлари нутқий ривожланиш даражасига боғлиқлиги;
- фанлардан бериладиган ўқув топшириқларининг қийинлик даражаларини белгилашда индивидуализацияга таянишнинг муҳим шартлиги;
- ҳар бир ўқув фанни ўқитиш самарадорлиги тайёрлов даври мазмuni ва ташкил этилишига боғлиқлиги;
- фанлардан давлат таълим стандартларининг бажарилишини таъминлашда фанлараро интеграцияга таянишнинг долзарблиги.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ўзбек халқининг ўзига хос хусусиятлари бўлган меҳр-шафқат, ўзгаларга ёрдам бериш, муҳтожларни қўллаб-кувватлаш каби сифатлар юртимиизда инклузив таълимнинг самарали ташкил этилиши ҳамда ривожланишида муҳим таянч омилдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. – Т.: , 2017. – 92 б.
2. Қодирова Ф.У. Имконияти чекланган шахсларнинг жамиятга уйғунлашуви-ижтимоий-сиёсий масала сифатида.// М.В.Ломоносов номидаги Москва ДУ Тошкент шаҳар филиали. “Конституция Республики Узбекистан-образование и воспитание молодежи”. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент, 2014. –Б.184-187.